**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки**

# Аҳолига ажратилаётган ипотека кредитлари ҳолати, муҳим шартлар ва янги имкониятлар тўғрисида



**Марказий банк раиси ўринбосари –**
**А. Турдалиев**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ 5 ФЕВРАЛДАГИ 56-СОНЛИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ ЯНГИ ТАРТИБ ДОИРАСИДА ПОТЕНЦИАЛ ҚАРЗ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ҲАМДА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН БАНКЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МУВОФИҚЛИК МЕЗОНЛАРИ

**18 ёшга тўлган ва 60 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;**

**Қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг қарз юки кўрсаткичи 70 фоиздан юқори бўлмаган шахслар;**

**Доимий даромадга, шунингдек ипотека кредити бўйича ҳисобланган фоизларни ва асосий қарзни қайтариш имкониятига эга бўлган шахслар;**

**Аввалги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаган шахслар.**

---

**Банкда янги тартиб доирасида ипотека кредитларини ажратиш юзасидан аниқ белгиланган ички тартиб мавжуд бўлиши;**

**Банкнинг регулятив капитали 500 миллиард сўмдан кам бўлмаслиги;**

**Банк "Fitch Ratings" ёки "Standard & Poor's" рейтинг агентликларининг "B" даражасидан ёки "Moody's Investors Service" рейтинг агентлигининг "B 2" рейтингидан паст бўлмаган даражада узоқ муддатли кредит рейтингига эга бўлиши;**

**Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал нормативлар бузилганлиги сабабли унга нисбатан ипотека кредити берилишига тўсқинлик қилувчи амалдаги чора ва санкциялар мавжуд бўлмаслиги лозим.**

**Охирги уч йиллик молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик ташкилоти ижобий хулосасининг мавжудлиги;**

**Банк давлат бюджети маблағлари, шу жумладан, Молия вазирлиги томонидан янги тартибга мувофиқ жойлаштирилган маблағлар бўйича муддати ўтган қарздорликка эга бўлмаслиги;**

## ЯНГИ ТАРТИБ ДОИРАСИДА ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АЖРАТАЁТГАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ

NBU
Миллий банк
www.nbu.uz
(78) 148 00 10

SQB
Ўзсаноатқурилишбанк
www.uzpsb.uz
(78) 120 45 01
(71) 200 43 43

KAPITALBANK
Капитал банк
www.kapitalbank.uz
(71) 200 15 15
(78) 148 40 05-14207

ALOQABANK
Алоқа банк
www.aloqabank.uz
(71) 230 77 77
(71) 232 83 53

HAMKORBANK
Ҳамкор банк
www.hamkorbank.uz
(78) 150 91 25
(78) 298 01 31

XalqBanki
Халқ банки
www.xb.uz
(71) 200 00 55
(71) 120 17 00 -1124

IPOTEKA BANK
Ипотека банк
www.ipotekabank.uz
(95) 200 11 22

TURON BANK
Турон банк
www.turonbank.uz
(95) 144 60 00

IPAK YO'LI BANKI
Ипак йўли банк
www.ipakyulibank.uz
(78) 120 00 09
(78) 140 69 00

ORIENTFINANSBANK
Ориент финанс банк
www.ofb.uz
(71) 200 88 99

Asakabank
Асака банк
www.asakabank.uz
1152 – call center
(78) 120 26 04

AGROBANK
Агро банк
www.agrobank.uz
(71) 203 88 88-11033
(71) 202 80 08-11033

QISHLOQQURILISHBANK
Қишлоқ қурилиш банк
www.qishloqqurilishbank.uz
(78) 150 10 01
(78) 150 79 45

MIKROKREDITBANK
Микрокредитбанк
www.mikrokreditbank.uz
(71) 202 99 99

# ЯНГИ ТАРТИБ ДОИРАСИДА АҲОЛИГА АЖРАТИЛАДИГАН ИПОТИКА КРЕДИТЛАРИНИНГ 2020 ЙИЛДА ВА 2021 ЙИЛ ШАРТЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ

| № | Кўрсаткичлар | Шаҳарларда | | Қишлоқ жойларда | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2020 йил | 2021 йил | 2020 йил | 2021 йил |
| 1 | Кредит муддати | 15 йил | 20 йил | 15 йил | 20 йил |
| 2 | Кредит фоиз ставкаси | 18-17 фоиз | 18-17 фоиз | 17 фоиз | 17 фоиз |
| 3 | Бошланғич бадал, шундан: | 20 фоиз | 15 фоиз | 10 фоиз | 15 фоиз |
| 4 | Фуқаро тўлайдиган бошланғич бадал | 10 фоиз | 5 фоиз | 10 фоиз | 5 фоиз |
| 5 | Бошланғич бадал учун субсидия | Уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида | | Кўзда тутилмаган | Уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида |
| 6 | Кредит миқдори | 80 фоиз | 85 фоиз | 90 фоиз | 85 фоиз |
| 7 | Фоиз тўловларини бир қисмини қоплаш учун субсидия (биринчи 5 йил давомида) | 10 фоиздан (Тошкент шаҳрида 12 фоиздан) ошган қисмига | | 10 фоиздан ошган қисмига | |

| 2020 йилда | Кўрсаткичлар | 2021 йилда |
|---|---|---|
| 15 йил | Кредит муддати | 20 йил |
| 25 млн.сўм (10 фоиз) | Бошланғич бадал | 37,5 млн.сўм (15 фоиз) |
| 0 | Бошланғич бадал учун субсидия | 25 млн.сўм (10 фоиз) |
| 25 млн.сўм (10 фоиз) | Фуқаро тўлайдиган учун субсидия | 12,5 млн.сўм (5 фоиз) |
| 225 млн.сўм (90 фоиз) | Кредит суммаси | 212,5 млн.сўм (85 фоиз) |
| 3,4 млн.сўм | Ўртача ойлик кредит тўлови | 3,1 млн.сўм |
| 1,2 млн.сўм | Фоиз тўловлври учун субсидия* | 1,2 млн.сўм |
| 2,2 млн.сўм | Фуқаронинг ўртача ойлик тўлови* | 1,9 млн.сўм |

**Дастлабки 5 йилда*

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН АҲОЛИГА АЖРАТИЛГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ТЎҒРИСИДА









# ЯНГИ ТАРТИБ ДОИРАСИДА АЖРАТИЛГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ

**Жами:**
**12 138 нафар фуқарога**
**2 638,1 млрд. сўм ажратилган.**










**Жами:**
**3 370 нафар фуқарога**
**743,1 млрд. сўм ажратилган.**

# 2021 ЙИЛ 3 ОЙИДА АЖРАТИЛГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ *млрд. сўмда*









# “ЎЗБЕКИСТОН ИПОТЕКАНИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ” АЖ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН АЖРАТИЛАДИГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРЗ ОЛУВЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТ ШАРТЛАРИ

- 18 ёшга тўлган ва 60 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
- Оилавий ўртача даромади 10,0 млн. сўмдан ошмаслиги ҳамда камида 6 ой давомида доимий даромадга эга бўлишлиги;
- Кредит бўйича ойлик тўловнинг оилавий даромадга нисбати 50 фоиздан ошмаслиги;
- Аввал олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги ва охирги 12 ой ичида 30 кундан ортиқ муддатга тўланмаган қарздорликка йўл қўйилмаганлиги;
- Қарз олувчи ва турмуш ўртоғи ипотека кредити қарздорлиги мавжуд эмаслиги.

**Кредит миқдори**

уй-жой сотиб олиш учун **323,0** млн. сўмгача
уй-жой таъмирлаш учун **80,0** млн. сўмгача

**Бошланғич бадал миқдори**

Сотиб олинадиган уй-жой қиймати ҳамда тамирлаш учун лойиҳа-смета қийматининг **25 фоиз**идан кам бўлмаган миқдорида.

**Кредит муддати**

уй-жой сотиб олиш учун **20 йил**
уй-жойларни таъмирлаш учун **10 йил**

**Кредит фоизи**

уй-жой сотиб олиш учун бозор ставкалари асосида (ўртача **18-фоиз**),
таъмирлаш учун ўртача **17 фоиз**

**ЎЗБЕКИСТОН ИПОТЕКАНИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН АЖРАТИЛГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ,** *млрд. сўмда*



## ХУСУСИЙ ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

2021 йил 15 мартдан бошлаб тижорат банкларига ўз ресурслари ҳисобидан улушдор-жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитларини Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан қайта молиялаштиришга рухсат берилди.

Бунда, улушдор-жисмоний шахсларнинг ипотека кредитлари улуш киритиш асосида қурилган кўп қаватли уй-жойлардаги квартиралар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошмаган миқдорида қайта молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон қарори билан жорий этилган хусусий пудрат ташкилотларининг тижорат банкларидан олинган кредитлари бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кафиллик ва компенсация тўлаш тартиби 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилди.

Бунда, тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича:

- кредит суммасининг суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорида кафиллик берилади;

- Фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,75 баравaридан ошмайдиган (24,5%) ва суммаси 20 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошмайдиган, бироқ 10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация тўланади.

# Эътиборингиз учун раҳмат